ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

20 (402)

2004 йил 19 май

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

2
- "Футболимиз келажаги" турнири — анъана.
- Қонун олдида барча бир!

3
- Сувнинг сувча қадри бўлсин-да!
- Пиёниста ота ва падаркуш ўғил.

4
- Меҳрсиз дунё қоронғу...
- Каратэчи София.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 май куни Оқсаройда Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Камол Харрозийни қабул қилди.

— Эрон — катта салоҳиятга эга давлатлардан бири, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон бу мамлакат билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдордир.

Президент Ислом Каримовнинг ўтган йил июн ойида Эронга расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон, Эрон ва Афғонистон раҳбарлари Халқаро транспорт йўналишлари тўғрисидаги битимга имзо чеккан эдилар. Бу ҳужжат Ўзбекистон учун Форс кўрфазидаги бандаргоҳларга, Эрон учун Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатларига чиқадиган йўлни анча қисқартиради. Афғонистонда эса халқ хўжалиги инфратузилмаси яратилишида муҳим омил бўлади. Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва «Трансафғон йўлаги» номини олган бу улкан лойиҳага кўплаб донор мамлакатлар, Ислом тараққиёт банки ва Осиё тараққиёт банки катта қизиқиш билдирмоқда.

Ўзбекистон ва Эрон савдо-иқтисодий ҳамкорликни жадал ривожлантирмоқда. Ўзаро йиллик савдо ҳажми 300 миллион АҚШ долларидан ошган. Мамлакатимизда эронлик ишбилармонлар билан тузилган элликдан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзаро алоқаларда транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин тутади. Йилига Эрон ҳудуди орқали Ўзбекистонга тегишли ўртача 500 минг тонна юк ташилади. Эроннинг Ўзбекистон орқали ўтадиган юки йилига ўртача 750 минг тоннани ташкил этади.

Ўзбекистон ва Эрон ўртасида ташқи ишлар, қишлоқ хўжалиги вазирликлари, транспорт, ҳаво алоқаси, сайёҳлик идоралари каби доираларда яқин ҳамкорлик қарор топган. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолият кўрсатмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон — Эрон муносабатлари, Афғонистондаги тикланиш ишлари, минтақавий хавфсизликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

МАКТАБДА ИНТЕРНЕТГА КЕНГ ЙЎЛ

Бугунги кунда Республикамизнинг барча жойларида интернет тармоқларига уланиш ва бу хизматдан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда. Жумладан, гўзал Хива шаҳримизнинг 8-сон умумтаълим мактабида ҳам бу борада мақтовга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда мактабда 1243 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

Мактаб ҳозирги пайтда АҚШнинг "Тинчлик корпуси" билан ҳамкорликда бир қанча ижобий ишларни амалга оширмоқда. 2002 — 2003 ўқув йилидан бошлаб мактабда "OPERATION MERCY" ташкилоти билан ҳамкорликда интеграция синфи ташкил қилиниб, фаолият кўрсатиб келмоқда. Мактаб маъмурияти 2003 — 2004 ўқув йилида "USAID" ва "IREX" ташкилотларининг "Ўзбекистон мактабларига компьютер" лойиҳасида иштирок этиб, 10 та "PENTIUM — IV" русумли компьютер билан тақдирландилар ва ИНТЕРНЕТ тармоғига уланишга имконият туғилди. Шу билан бирга мактаб "РЕАКС" компаниясининг "Шаг за Шагом" лойиҳаси юзасидан ҳам иш олиб бормоқда.

Юқоридаги имкониятлардан кенг фойдаланилган ҳолда мактабда Интернет клуби ташкил қилинган бўлиб, кўпчилик ўқувчилар электрон почта эгасидирлар, ҳатто шаҳарнинг барча коллежлари, мактаблари ва якка шахслар ҳам бу хизматдан бепул фойдаланмоқдалар. Интернет тармоқларидан олинган маълумотлардан ўқитувчи ва ўқувчилар ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Г.ДУРДИЕВА,
Хоразм Маъмун академияси катта илмий ходими, техника фанлари номзоди.

СУРХОН СОҲИЛИДА

СУРАТДА: *фермер хўжалиги соҳиби Гулсара Хоналиева Паттакесар қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳалимжон Наимов билан.*

Юртимиз мустақилликка эришгач, тадбиркорларга яратиб берилган катта имкониятлар, бу жабҳада амалга оширилган ислоҳотлар термизлик ишбилармон аёл Гулсара Хоналиева учун ҳам чин маънода туртки бўлганди. Туман ҳудудида Сурхон дарёси соҳилидан ер олиб, фермер хўжалиги ташкил этган Гулсара опа қисқа муддатда ўз фаолиятини жонлантириб юборди.

Айни кунда хўжаликда 85 нафар ишчи-ходимлар меҳнат қилишади. Яқинда тадбиркор хўжалик тармоқларини кенгайтириб, чорвачилик фаолиятини ҳам йўлга қўйди. Янгидан ташкил этилган тикувчилик цехи, мебеллар дўкони ҳам Гулсара опанинг ишбилармонлиги, ташаббускорлиги ҳосиласи.

Шунингдек, Г.Хоналиева саховат борасида ҳам маҳалладошлари, туман аҳли орасида ном қозонган. Унинг ҳомийлигида қуриб битказилган Мангузар маҳалла гузари бугун кўпчиликнинг оғирини енгил қилмоқда. Ундан ташқари, Гулсара опа доимо кекса ва ногирон инсонларга, етим-есирларга, эҳтиёжманд оилаларга мурувват кўрсатиб, уларнинг дуосини олади.

МЕҲР БИЗДАН ЙИРОҚ КЕТМАСИН

Тошкент вилояти

Кўпдан кўп гап чиқади. Одамларнинг суҳбатларига қулоқ солсангиз, шундай ҳикматли гапларни айтишадики, унинг мағзини чақсангиз нақадар чуқур маънога эга эканлигини тушунасиз. Қулоққа чалинган шундай гаплардан бири "Маҳалламиз жуда тотув, меҳр биздан кетмайди". Дарров хаёлимда шу гапни шарҳлайман. "Нима, меҳр кетувчи ҳамми?" Баъзи бир воқеалар эсимга тушса, "Ҳа", деб ўзимнинг саволимга ўзим жавоб бераман. Аслида эса меҳрни кетказмайдиганлар ҳам, кетказгувчилар ҳам ўзимиз.

Чиноз туманида 4-вилоят сиҳатгоҳ мактаб-интернати бор. Бу мактаб 1938 йилда ташкил этилган бўлиб, у пайтда "Етимхона деб аталган. Ўша йиллар билан боғлиқ қизиқ бир воқеа бўлган экан.

Етимхонага бир болани олиб келишади. У на насли-насабини, на исмини, на қаерда туғилганини ҳам билмас эди. Етимхона директори унга ўз фамилиясини беради, ҳаммага дўст бўлсин, деб исмини Жўра қўйишади. Шундай қилиб бола шу ерда улғайиб, ўсиб, ҳарбий хизматга кетади. Хизматни тугатиб, яна шу даргоҳга келади. Ҳозир 77 ёшга кирган Жўра ота Аъзамов ўша кунларни эслаб шундай дейди:

— На уйи, на жойи, на қариндош-уруғи бўлмаган мендек етимга ҳам ота, ҳам она бўладиган ким бор эди дейсиз? Аввало етимхона раҳбарлари, қолаверса, шу атрофдаги маҳалла аҳли бошимни силади, меҳр кўрсатишди. Тракторчилик қилдим, яхши одамлар бош қўшиб, уйлантириб қўйишди. Фарзандлар кўрдим, меҳр кўрдим. Асли марғилонликсан, дейишганида, у юртга бориб, уруғ-аймоғимни изладим, ҳеч кимни топмадим, йиғладим, сиқтадим, куйдим-ёндим, лекин тамом бўлмадим. Чунки мен бир умр одамлардан меҳр кўриб яшадим. Ҳозир қизим Гулнора шу болалар уйида ишлайди, ҳам менга қарайди.

Отахон ҳақида бу эшитганларим ёдимга бошқа бир воқеани солди. Қурама тоғ тизмалари ён бағирларида жойлашган бир қишлоқда Тажриба исмли бир онахон нақ 100 ёшларида оламдан ўтдилар. Гап шундаки, онахоннинг фарзандлари турмаган, ёлғиз ўғил эса ўттизга етар-етмай оламдан ўтган, чоли эса ундан олдинроқ Аллоҳнинг иродасини бажарган. Шу онахон салкам 40 йил якка-ёлғиз яшаган. Бу дунёдан бор илинжларини йўқотган бу аёл умрининг узоқ бўлишига нима сабаб бўлди экан, деб беихтиёр ўйлайсан одам. Жаноза куни маълум бўлишича, онахон 40 йил одамларга меҳр кўрсатиб, ўзи ҳам меҳр кўриб яшабди. Қишлоқдаги болаларнинг ярмидан кўпини шу онахон катта қилибди. Ишга, меҳмонга кетадиган аёллар болаларини шу онахонга ишониб, топшириб кетар экан. Уй ўзига хос болалар боғчаси бўлиб кетибди. Онахон ҳар битта болага меҳрини бериб, ўз боласидай ўстирибди. Болалар катта бўлишиб, ўзлари фарзанд кўришганларида ҳам, вақти-бемаҳал бу уйга келиб, онахонга меҳр кўрсатишиб, унинг иссиғи-ю совуғидан галма-гал хабар олиб туришибди.

— Бу табаррук онахоннинг уйидан ҳеч меҳр кетмади, — дейди маҳалла оқсоқоли Рустамжон ака. — Лекин меҳрнинг кучини қарангки, у ёлғизликни енгиб, онахон кўнглидаги изтиробларни ювиб, армонларини ёруғ бир нур билан тўлдирибди. Шунинг учун ҳам меҳр инсон умрини узайтиради, деганларига юз фоиз қўшиламан.

Мен келтирган бу воқеалар маҳаллаларимиздан кетмаган меҳрнинг ёрқин мисоллари бўлса, қуйидаги воқеалар эса меҳр йўқ жойда тотувлик ҳам, оқибат ҳам йўқлигига ишорадир.

Тўртинчи фарзандини туғолмай оламдан ўтган аёлнинг эри ичкиликка муккасидан кетди. Кўча-кўйда санғиб, тергайдиган одами бўлмаган болалар ёмон йўлларнинг барчасига ақлларини танимаёқ кириб чиқишди. Болалар тарбиясини унутган отани, нима иш қилса қилиб юрган ёшларни сўрайдиган, ҳолидан хабар оладиган одам маҳаллада топилмади. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Бу хонадоннинг икки ўғли йигирмага етар-етмас айнан шу маҳалланинг болалари билан муштлашиб, жиноятга йўл қўйишди. Орадан низою нифоқ чиқиб, маҳалладан путур кетди. Ёшлар қарияларнинг гапига қулоқ солмайди, қариялар ёшларни айблашдан чарчамайди. Хуллас, ариқдаги сув ҳам талаш, бир парча ер ҳам талаш.

— Одамларимиздан меҳр кетиб қолди, — дейди 80 ёшли Муҳаммаджон бува. — Уни қайтариб келиш учун бир бамаъни маҳалла оқсоқоли керак бўлиб турибди.

Шу маҳаллада шундай одам борлигига бува ишонади.

Энди иккинчи воқеа... Хатира хола ўғли ўлиб кетгач, келини ва унинг 5 нафар боласи билан бир парчагина ери бор ҳовлида қолиб кетди. Уйда ишлайдиган одам йўқ, холанинг пенсия пули билан болаларга бериладиган нафақа пули ҳам рўзғорга зўрға етиб турибди. "Маҳаллага чиқиб, бирон ёрдам бўлса сўрай", деб чиққан хола ҳар икки гапининг бирида "тошмеҳр" деб кимнидир қарғайди. Маълум бўлишича, ёрдам сўраган холани маҳалла оқсоқоли уришиб берибди. "Ёрдам етимесирга, кар-соқовга, чўлоққа берилади, сизнинг ўзингиз ҳам, невараларингиз ҳам соппа-соғ, уялмайсизми?"

Кейинчалик эса қизиқ иш бўлибди. Шу маҳалла ҳудудидаги ёрдам олувчилар рўйхати молия бўлими томонидан текширилса, ҳар ўнтадан иккитаси оқсоқолнинг қариндошуруғи экан. Ишдан бўшатиб, келтирган зарарни ундириб ҳам олишибди...

Фақатгина Хатира холанинг кўнглидан меҳр кетиб қолгани бўлмаса, айтарли гап йўқ, дейсиз, лекин бундай воқеалар кам эмасда.

Меҳр ва мурувват йилида нафақат моддий ёрдами, балки одамларимиз кўнглига меҳр нурини сингдириш, меҳрга нисбатан ишончни ортириш жуда муҳим масала. Зотан, меҳр кўрган одам доимо яхшиликка интилиб яшайди, ёмонликдан қочади, элга қўшилиб юрт қадрини чуқурроқ тушунади.

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

"Mahalla" хабарлари

Самарқанд вилояти

БУЛУНҒУРДА МАҲАЛЛА МАРКАЗИ

Булунғур шаҳрида "Маҳалла" маркази қурилиб фойдаланишга топширилди. Ҳашар йўли билан бунёд этилган мазкур бинога "Дўстлик" номи берилди. Боиси, бу ерда турли миллат вакиллари бир ота-онанинг фарзандларидек, аҳил ва иноқ яшайдилар. "Маҳалла" марказида маҳалла оқсоқоли, котиби, посбони, педагог-тарбиячиси ва маданий-маиший тадбирлар учун хоналар маҳалла фуқаролар йиғини ишларини намунали амалга оширишда қўл келмоқда.

— "Маҳалла" марказида дастлабки хайрли тадбирларни ўтказдик, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Булунғур тумани бўлинмаси раиси Абдураззоқ Саримсоқов. — Шу ҳудудда жойлашган ҳомий ташкилотлар, саховатпеша инсонлар кўмаги билан 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунида уруш ва меҳнат фахрийлари, кекса ва ногирон инсонларга, ижтимоий муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Қашқадарё вилояти

CHF ВА МАҲАЛЛА

Ғузор туманида маҳаллалар ҳаракатини сармоялаш дастури асосида нодавлат, нотижорат ташкилотлар билан маҳаллалар ўртасида ҳамкорлик йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.

Маҳалла ҳаракатини сармоялаш (CAIP) дастури асосида CHF ташкилоти билан ҳамкорликда туманнинг Пахтазор маҳалласида барча қулайликларга эга бўлган болалар спорт майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Дастурнинг иккинчи лойиҳасига кўра маҳаллада 2,2 километр узунликдаги ўрта босимдаги газ қувури тортилиб, ҳозирда 80 хонадан зангори оловдан баҳраманд бўлмоқда.

Шунингдек, Чаноқ маҳалласида дастурнинг биринчи лойиҳаси бўйича 100 хонадон газлаштирилган бўлса, ҳозирги кунда иккинчи лойиҳага кўра «Маҳалла уйи» қурилиши жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Шунингдек, CHF ташкилоти билан ҳамкорликда Хўжагузар маҳалласи аҳолисини сув билан таъминлаш борасида ҳам иш олиб борилмоқда. Бу маҳаллада ҳам иккинчи лойиҳа асосида болалар спорт майдонини бунёд этиш режалаштирилган.

Мирзо Турсунзода номли маҳалладаги Қори Ниёзий номли ўрта мактабнинг иситиш тармоқларининг бир қисми ташкилот ҳомийлигида таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Иқбол Эгамбердиева ва Амир Темур номли маҳаллаларда ҳам CHF ташкилоти билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, лойиҳалар асосида маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

Саъдулла ЎЛЖАЕВ,
«Маҳалла» жамғармаси Ғузор тумани бўлинмаси раиси.

Жиззах вилояти

УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛСИН, ОНАЖОН

Жиззах шаҳридаги Ўратепа маҳалласида яшовчи 103 ёшли онахон Баҳри Холматованинг таваллуд кунини маҳалладошлари кенг нишонладилар.

21 нафар невара, 53 нафар эвара, 9 нафар чевара, 3 нафар ўғилнинг онаси бўлган Баҳри момо шундай кунларга етказгани учун Яратганга шукур қилиб, унинг иссиқ-совуғидан доимо хабардор бўлиб турган, меҳр ва мурувват кўрсатаётган саховатли инсонларни дуо қилди. Маҳалла йиғини, ҳокимлик томонидан берилган совғалар ва фарзандларининг эъзози онахоннинг ҳаётга муҳаббатини оширди. Кўзларидан севинч ёшлари қуйилди.

— Маҳалламизда узоқ умр кечираётган пири бадавлат отахон ва онахонлар 50 нафардан ошикроқ, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олимжон Аҳмедов. — Уларни ҳамиша моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга эътибор бераяпмиз.

МУХБИРИМИЗ

Сурхондарё вилояти

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Вилоят Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими, вилоят Ички ишлар ҳамда Халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида Жарқўрғон туманида ўтказилган семинар-кенгаш маҳаллаларда вояга етмаган ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт тадбирларини уюштириш мавзусига бағишланди.

Унда "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмалари раислари, қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари, посбонлар, педагог-тарбиячилар ҳамда фаоллар иштирок этдилар.

Тадбирни Жарқўрғон тумани ҳокимининг ўринбосари Ш. Чориев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Э.Кўчкинов маҳаллаларда вояга етмаган ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш муаммолари тўғрисида маъруза қилди.

Шунингдек, маҳаллаларда вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар, вояга етмаган ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни ташкил этиш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда маҳалла, оила, мактаб ҳамкорлиги, профилактика нозирлари, маҳалла посбонлари, педагог-тарбиячиларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳақидаги маърузалар ҳам семинар-кенгаш иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири

Обуна-2004

Mahalla

— Яна нима дейди?

— Газета ўқиб туринг, — дейди.

БОШҚАРУВДА ТАРАҚҚИЁТ ТАЛАБЛАРИ

Тошкент вилояти

Яқинда Чирчиқ шаҳри ҳокимлиги биносида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш фаолиятининг ҳуқуқий тамойиллари:мақсад ва вазифалар, ечимлар» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонунчилик асослари ва амалиёти, маҳаллаларда жамоат тартибини таъминлаш, экстремизм ва жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали йўллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик, маҳаллалар фаолиятини режалаштириш каби муҳим масалалар муҳокамасига асосий эътибор қаратилди.

Тадбир сўнгида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика Бошқаруви раиси биринчи ўринбосари Н.Абдуллаев иштирокида семинар иштирокчиларининг мавзуга доир таклиф-мулоҳазалари умумлаштирилиб, якуний хулосалар билдирилди.

Бу ҳақда газетамизда ёзилган эди

Фарғона вилояти

МАҲАЛЛАНГИЗГА ЯНГИ НОМ МУБОРАК!

Маҳаллалар қайта номланди

Бағдод туманидаги бу ҳар иккала маҳалла тарихи Қўқон хонлиги билан боғлиқ. Бу маҳаллаларда хон лашкарлари урушга бориш олдидан дам олишган ва отларини тоблаб, турли ҳарбий машқлар ўтказишган. Лекин ҳозирга келиб, Отхона ва Гавхона деган номлар маҳаллаларимизга мос келмай қолди. Бу ҳақда "Mahalla" газетасининг шу йил 28 январь сонида "Маҳалламиз номи ғалати..." сарлавҳали мақолада фикр билдиргандик.

Мақола туман ҳокимлиги мутасаддилари, маҳаллалар аҳолиси иштирокида муҳокама этилди ва маҳаллалар номини ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилинди. Шунга асосан Отхона ва Гавхона маҳалла фуқаролар йиғинлари бундан буён Мурувват ва Қўшчинор деб аталадиган бўлди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. БУГУН 2004 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИГА ОБУНА БЎЛИШНИНГ АЙНИ ВАҚТИ. ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИДА "MAHALLA"СИЗ ҚОЛМАНГ!

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:

Қабулхона — 136-53-93

Тел/Факс: — 133-44-25

Масъул котиб: 136-53-75

Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

МАҲАЛЛА ЎСМИРЛАРИ ЎРТАСИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА АНЪАНАВИЙ "ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ" РЕСПУБЛИКА КУБОГИ ТУРНИРИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Н И З О М

ТУРНИР ТАШКИЛОТЧИЛАРИ:

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Республика Бошқаруви, Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Футбол Федерацияси, "Ўзтелерадио" компанияси, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси, "Фонон" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси.

1. МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш ва маҳаллаларда, яшаш жойларида жисмоний – соғломлаштириш ҳамда тарбиявий ишларни ташкил этиш, болалар ва ўсмирлар соғлигини мустаҳкамлаш, уларни доимий равишда спортга, жисмоний тарбия дарсларига жалб қилиш, иқтидорли футболчиларни танлаб олиш, болалар ўртасида футболни янада оммалаштириш ва ривожлантириш, ички ёш гуруҳдаги ғолибларни аниқлаш, боланинг жиноий йўлларга кириб кетмаслигининг олдини олиш мақсадида "Футболимиз келажаги" совғини учун мусобақалар ўтказиш;

Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш ва маҳаллаларда ривожлантириш;

"Футболимиз келажаги" кубоги соҳибларини 9-10 ёшдаги, 11-12 ёшдаги, 13-14 ёшдаги ҳамда 15-16 ёшдаги маҳалла ўсмирлари командалари ўртасида аниқлаш.

2. ЖАМОАЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

"Футболимиз келажаги" турнири маҳалла ўсмирлар ичидаги 9-10 ёшдаги, 11-12 ёшдаги, 13-14 ёшдаги ҳамда 15-16 ёшдаги болалардан ташкил топган командалар ўртасида ўтказилади.

Маҳаллада ташкил этиладиган тўрт хил ёш тоифадаги футбол командалари ҳар ёшдаги тоифа бўйича битта, иккита ва ундан ортиқ бўлиши мумкин (кўча, кўп қаватли уй ва ҳовли бўлимларида ўз жамоаларини тузишлари мумкин).

Жамоаларни маҳалла оқсоқоли бошчилигида маҳалланинг ёшлари билан ишлаш комиссиялари, жамоатчи спорт йўриқчилари, педагог-тарбиячилар шакллантирадилар ва мураббийларни белгилайдилар.

Маҳаллада икки ёки ундан ортиқ бир хил ёш тоифадаги командалар ташкил этилган ҳолда мазкур командалар ўзаро беллашадилар ва натижаларига кўра маҳалланинг ушбу тоифадаги битта жамоаси турнирнинг маҳалларо беллашувида қатнашади.

3. МУСОБАҚАНИ ЎТКАЗИШДА РАҲБАРЛИК ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Мусобақанинг I босқичини маҳаллаларда (маҳалла биринчилиги) маҳалла оқсоқоллари, жамоатчи спорт йўриқчиси, педагог-тарбиячилар ҳамда мураббий раҳбарлигида ва ташкилотчилигида ўтказилади.

II босқич туман, шаҳарларда (маҳаллаларараро, туман, шаҳар биринчилиги) Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Футбол Федерацияси, "Ўзтелерадио" компанияси, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, "Фонон" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, жойлардаги (шаҳар, туман) вакиллари раҳбарлигида ташкил қилинади ва ўтказилади.

Мусобақанинг III босқичини ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Футбол Федерацияси, "Ўзтелерадио" компанияси, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, "Фонон" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси вакиллари раҳбарлигида ташкил қилинади ва ўтказилади.

Мусобақанинг IV босқичи Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Футбол Федерацияси, "Ўзтелерадио" компанияси, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, "Фонон" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси вакиллари раҳбарлигида ташкил қилинади ва ўтказилади.

4. МУСОБАҚАНИ ЎТКАЗИШ ВАҚТИ ВА ЖОЙИ

9-10 ёшдаги болалар ўртасида 2004 йил (1994-1995 йилларда туғилган болалар), 2005 йил (1995-1996 йилларда туғилган болалар), 2006 йил (1996-1997 йилларда туғилган болалар), 2007 йил (1997-1998 йилларда туғилган болалар), 2008 йил (1998-1999 йилларда туғилган болалар)

Мусобақани 9-10 ёшдаги болалар ўртасида ўтказишда босқичма-босқич усули қўлланилади ва уч босқичда, тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади:

I босқич 10 июлгача маҳаллаларда;

II босқич 10 августгача туман, шаҳарларда;

III босқич 25 августгача, ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ўтказилиб, тантанали равишда якунланади.

11-12 ёшдаги болалар ўртасида 2004 йил (1992-1993 йилларда туғилган болалар), 2005 йил (1993-1994 йилларда туғилган болалар), 2006 йил (1994-1995 йилларда туғилган болалар), 2007 йил (1995-1996 йилларда туғилган болалар), 2008 йил (1996-1997 йилларда туғилган болалар)

Мусобақани 11-12 ёшдаги болалар ўртасида ўтказишда босқичма-босқич усули қўлланилади ва уч босқичда, тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади:

I босқич 15 июнгача маҳаллаларда;

II босқич 10 июлгача туман, шаҳарларда;

III босқич 25 июлгача, ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича финал босқичси;

IV босқич – 20-28 июль кунлари 2 гуруҳга бўлинган ҳолда Республика мусобақалари гуруҳ ўйинлари ўтказилади.

Иккита гуруҳ баҳсларида финал ўйинлари 1-10 сентябрь кунлари Бухоро шаҳрида бўлиб ўтади.

13-14 ёшдаги болалар ўртасида 2004 йил (1990-1991 йилларда туғилган болалар), 2005 йил (1991-1992 йилларда туғилган болалар), 2006 йил (1992-1993 йилларда туғилган болалар), 2007 йил (1993-1994 йилларда туғилган болалар), 2008 йил (1994-1995 йилларда туғилган болалар)

Мусобақани 13-14 ёшдаги болалар ўртасида ўтказишда босқичма-босқич усули қўлланилади ва тўрт босқичда тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади:

I босқич 15 июнгача маҳаллаларда;

II босқич 10 июлгача туман, шаҳарларда;

III босқич 25 июлгача Тошкент шаҳри, вилоятлар ва ҚҚР бўйича финал босқичи;

IV босқич 21-25 август кунлари, 4 гуруҳга бўлинган ҳолда Республика мусобақалари гуруҳ ўйинлари ўтказилади.

Иккита гуруҳ ғолиблари 20-30 сентябр кунлари Тошкент шаҳрида бўладиган финал мусобақаларига чиқадилар.

15-16 ёшдаги болалар ўртасида 2004 йил (1988-1989 йилларда туғилган болалар), 2005 йил (1989-1990 йилларда туғилган болалар), 2006 йил (1990-1991 йилларда туғилган болалар), 2007 йил (1991-1992 йилларда туғилган болалар), 2008 йил (1992-1993 йилларда туғилган болалар)

Мусобақани 15-16 ёшдаги болалар ўртасида ўтказишда босқичма-босқич усули қўлланилади ва тўрт босқичда, тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади:

I босқич 15 июнгача маҳаллаларда;

II босқич 10 июлгача туман, шаҳарларда;

III босқич 25 июлгача Тошкент шаҳри, вилоятлар ва ҚҚР бўйича финал босқичи ўтказилади;

IV босқич 17-25 август кунлари, 2-гуруҳга бўлинган ҳолда Республика мусобақалари гуруҳ ўйинлари ўтказилади.

Иккита гуруҳ ғолиблари 11-20 сентябр кунлари Самарқанд шаҳрида бўладиган финал мусобақаларига чиқадилар.

5. МУСОБАҚАДА ҚАТНАШИШ ВА ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ

Мусобақада тегишли ёшдаги барча маҳалла футбол жамоалари қатнашиши мумкин.

Мусобақанинг барча босқичларида қатнашиш ҳуқуқи тиббий кўрикдан ўтган, ёшлари Низомнинг талабларига тўғри келадиган ёш ўсмирларга рухсат берилади.

Республика миқёсидаги, яъни IV босқич мусобақасига ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ғолиб жамоаси йўлланма олади.

I-босқич ўйинлари жойлардаги мавжуд (катта ва кичик) футбол майдонларининг имкониятларига мувофиқ ўтказилади. II, III ва IV босқич ўйинлари талабларга жавоб берадиган майдонларда ўтказилади. Ўйинчилар сони асосий таркибда 11 кишини ташкил этиши шарт. Ўйинларнинг давомийлиги: 9-10 ёшдагилар учун 20 дақиқа, 11-12 ёшдагилар учун 25 дақиқа, 13-14 ёшдагилар учун 30 дақиқа, 15-16 ёшдагилар учун 35 дақиқа, 2 таймдан иборат бўлади. Танаффус: 15 дақиқа.

Мусобақани ўтказишда унинг биринчи боскичидан тўртинчи босқичигача айланма усули қўлланилади. Агарда қатнашувчи жамоаларнинг сони кўпайиб кетса, у ҳолда, ташкилий қўмита қарорига биноан, жамоалар гуруҳларга бўлиниб ўйнайдилар. Шундан кейин гуруҳ ғолиб жамоалари биринчи ўрин учун ўзаро куч синашадилар.

IV босқичда қатнашувчи жамоалар ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика Футбол Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзтелерадио" компанияси, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, "Соғлом авлод учун" ҳалқаро жамғармаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмасининг жойлардаги вакиллари раҳбарлигида ташкил қилинади, жамланади ва ўтказилади.

Мусобакага БЎСМ, спорт ва футбол интернетлари, махсус синфларда, туман, шаҳар терма жамоа аъзолари, футбол клубларининг тайёрлов гурухлари катнашчиларининг жалб этилиши таъкикланади.

ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ғолиблари ўртасида финал босқичида делегациялар таркиби 20 нафар кишидан иборат бўлади. Шундан 18 нафари ўйинчилар, 1 нафари мураббий ва 1 нафарини делегация раҳбари ташкил этади.

6. МУСОБАҚАЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Мусобақаларнинг Республика даражасининг биринчи босқичида 14 та жамоа гуруҳларга (2 гуруҳ) бўлинадилар ва улар айланма тизимига кўра қуръа ташлаш йўли билан ўйнайдилар ва 1-2-ўринларни эгаллаган жамоалар финал босқичига йўлланма олади.

"А-гуруҳи"

1. Қорақалпоғистон Республикаси
2. Хоразм вилояти
3. Бухоро вилояти
4. Навоий вилояти
5. Самарқанд вилояти
6. Сурхондарё вилояти
7. Қашқадарё вилояти

ГУРУҲ ЎЙИНЛАРИ ЖОЙИ ВА МУДДАТИ:

11-12 ёшлилар – 20-28 июль, Бухоро шаҳрида;

13-14 ёшлилар – 4-12 август, Урганч шаҳрида;

15-16 ёшлилар – 17-25 август, Қарши шаҳрида.

"В гуруҳи"

1. Жиззах вилояти
2. Сирдарё вилояти
3. Тошкент вилояти
4. Тошкент шаҳри
5. Андижон вилояти
6. Наманган вилояти
7. Фарғона вилояти

ГУРУҲ ЎЙИНЛАРИ ЖОЙИ ВА МУДДАТИ:

11-12 ёшлилар – 20-28 июль, Чирчиқ шаҳрида;

13-14 ёшлилар – 4-12 август, Наманган шаҳрида;

15-16 ёшлилар – 17-25 август, Андижон шаҳрида.

ФИНАЛ ЎЧРАШУВЛАРИ:

11-12 ёшлилар – 1-10 сентябрь, Бухоро шаҳрида;

13-14 ёшлилар – 11-20 сентябрь, Тошкент шаҳрида;

15-16 ёшлилар – 21-30 сентябрь, Самарқанд шаҳрида.

2 та гуруҳда 1-2- ўринни эгаллаган жамоалар қуръа ташлаш йўли билан ярим финал жуфтлигига ажратилади. Ярим финалда мағлубиятга учраган жамоалар 3-4 ўрин учун баҳс юритишади. Ярим финал ғолиблари финалда 1-ўрин ва "Футболимиз келажаги" кўчма кубогини қўлга киритиш учун ўзаро куч синашадилар.

7. ҲАКАМЛИК

Мусобақада ҳакамлик Ўзбекистон Футбол Федерациясининг умумий раҳбарлигида, ҳудудий футбол Федерациялари томонидан амалга оширилади.

8. ЖАМОА РАҲБАРЛАРИ, ФУТБОЛЧИЛАР ВА ҲАКАМЛАР МАЖБУРИЯТИ

Раҳбариятлар ва футболчилар ушбу амалдаги Низомнинг барча талабларини бажаришлари, юксак тартиб-интизом, ташкилотчилик, рақиблар, ҳакамлар ва томошабинларга ҳурмат намуналарини кўрсатишлари шарт. Жамоа раҳбарлари ҳакамлар фаолиятига аралашиш ҳуқуқига эга эмаслар ва ўз ўйинчиларининг майдонда ҳамда ундан ташқарида бўлган вақтларидаги ҳатти-ҳаракатларига жавобгардирлар.

9. ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ЧОРАЛАРИ ВА НОРОЗИЛИК БИЛДИРИШ ТАРТИБИ

Мусобақа давомидаги ҳар бир босқичда 2 марта огоҳлантирилган ўйинчи кейинги учрашувда майдонга туширилмайди. Майдондан четлатилган ўйинчи эса кейинги учрашувда ўйнамайди ва унинг қолган учрашувларда иштирок этиш-этмаслиги ҳакамлар қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

Барча келиб чиқадиган муаммоларни Ҳакамлар Кенгаши ва Бош ҳакам ҳал қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ўйинга етиб келмаган жамоага техник мағлубият ёзилади. Жамоаларнинг мусобақага келмай қолиш ҳолатларида қарорни ҳакамлар хайъати қабул қилади.

Финал босқичида фақаттина 11-12 ёшдаги болаларга юмшоқ спорт пойафзалидан (кроссовка, кета ва резина бутси) фойдаланилади. 13-14, 15-16 ёшдаги болаларга бутсида ўйнашга рухсат берилади. Оёқ кийимсиз майдонга чиқиш мумкин эмас.

Турнирнинг қисқа муддатда ўтишини инобатга олган ҳолда, агар жамоалар вакиллари норозилик билдиришмоқчи бўлишса, у ҳолда 24 соат ичида муаммо ҳал қилиниши шарт. Кўрсатилган вақтдан сўнг норозилик қабул қилинмайди. Норозилик билдираётган жамоа вакили ўйин тугагандан сўнг қайдноманинг "Норозилик" бандига норозилик сабабларини ёзиши зарур.

Агарда жамоалар раҳбарияти ва футболчилар томонидан Низомнинг банди бузилса, ташкилий қўмита қарорига асосан у жамоа, қайси босқичда бўлишидан қатъий назар, ўйиндан четлатилади. Учрашувни бошқараётган ҳакам қарорига кўра эътироз қабул қилинмайди.

Норозилик қуйидаги ҳолларда билдирилиши мумкин: учрашув қайдномасига киритилмаган ёки ёши катта ўйинчи майдонга тушганида, ёзилмаган футболчи жамоа ўйинда қатнашса, буюртма варақасида умуман бўлмаганида; Ўйинчи қайта алмаштирилса, дисквалификация қилинган ўйинчи майдонга туширилганида ўша жамоларга мағлубият ёзилади, ҳакамлар қўмитаси томонидан қўланилган интизомий чоралар тўғрисида шаҳар, вилоят футбол федерацияларига хабар берилади. Ёзилган эътирозномани исботлаш учун ундаги кўрсатилган ёши катта футболчининг ҳужжатлари баён этилиши лозим. Тақдим қилинган, ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида тасдиқланиши керак. Республика мусобақаларига ёши катта футболчиларни қўйган жамоа раҳбарларига, уларни мусобақаларга жўнатган маҳалла раҳбарияти зиммасига жавобгарлик юклатилади. Ўйин тамом бўлганидан сўнг рақиб жамоасини талабига биноан талаб этилган футболчини кўрсатиш зарур. Агарда талаб этилган футболчини кўрсатилиши маън этилган бўлса, унда ўша жамоага мағлубият ёзилади.

10. ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ

9-10 ёшдаги, 11-12 ёшдаги, 13-14 ёшдаги ва 15-16 ёшдаги маҳалла ўсмирлари ўртасида "Футболимиз келажаги" Кубоги турнирининг I, II, III, IV босқич мусобақаларда энг кўп очколар жамғарган жамоа ғолиб деб топилади. Учрашувлар очко бўйича тақсимланади:

Ғалаба учун – 3 очко, дуранг учун – 1 очко, мағлубият учун – 0 очко берилади.

Гуруҳдаги икки ёки ундан ортиқ жамоалар очколари тенг бўлиб қолса, унда ўзаро учрашувларда энг яхши кўрсаткичга эга жамоа (очколар ҳисоби, ўзаро ўйинларда киритилган ва ўтказиб юборилган тўплар ҳисоботи) юқори ўринни банд қилади.

— Барча учрашувларда киритилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбати.

— Энг кўп киритилган тўп нисбати.

— Агарда ҳамма кўрсаткичларда натижалар бир хил бўлса, унда огоҳлантириш олган жамоадан 2 очко олиб ташланади, майдондан четлатилган футболчи бўлса, унда жамоадан 5 очко олинади;

— Қуръа ташлаш борасида.

Финал босқичининг ўринларни аниқловчи ўзаро учрашувларда асосий вақтда дуранг натижа қайд этилса, 11 метрлик белгидан 5 тадан жарима тўпи тепилади. Бу сафар ҳам дуранг натижа қайд этилса, жарима тўпини тепиш биринчи хатогача давом эттирилади.

Ўйин тамом бўлгандан сўнг майдонда қолган футболчилар жарима тўпи тепиш ҳуқуқига эга.

11. МУСОБАҚАНИ ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ САРФ-ХАРАЖАТЛАР

Мусобақани ўтказиш билан боғлик сарф-харажатлар (ҳакамлик, хизмат кўрсатувчи ходимлар, ижара, сафар билан боғлик бўлган барча харажатлар, яъни яшаш, овқатланиш, йўл харажатлари ва ҳоказо) Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғликни сақлаш вазирлиги, Республика Футбол Федерацияси, "Ўзтелерадио" компанияси, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши,"Фонон" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси келишилган вазифалар тақсимотига ва тенг улуш асосида тузилган, улар томонидан тасдиқланган сметага биноан амалга оширилади.

Жамоаларнинг сафар билан боғлик бўлган барча харажатлари (яшаш, овқатланиш, йўл харажатлари) сафарга жўнатувчи ташкилот томонидан амалга оширилади.

12. ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

"Футболимиз келажаги" кубоги турнирида иштирок этиш истагини билдирган маҳалла жамоалари махсус "Буюртманома вараги"ни тўлдириб, туман, шаҳар биринчилигини ўтказувчи ташкилий қўмитага топширади.

Иштирок варақасига 1 нафар делегация раҳбари, 1 нафар мураббий ва 18 футболчи киритилади ва 2 нусхада тўлдирилади.

Унда жамоа футболчилари ва раҳбарлари ҳақида тўлиқ ёзилиши керак.

— исми шарифи;

— туғилган куни, ойи, йили, шаҳари;

— туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, унинг рақами ва серияси;

— уй манзили;

— ўқиш жойи ва синфи;

— футболчиларнинг иштирок варақаси қуйидаги ташкилотлар томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

— жамоа иштирок варақаси қуйидаги ташкилотлар томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Туман ва шаҳар хокимиятлари (футбол федерациясининг раислари) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг спорт қўмиталари, футбол федерациялари, маҳалла қўмитаси, мактаб директори, маҳалла профилактика инспектори, соғлиги тўғрисида шифокорлар томонидан тасдиқланади.

Мандат қўмитасига қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши шарт:

1. Ҳар бир футболчининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси (асл нусхаси). Қайта берилган гувоҳнома мандат комисияси қабул қилинмайди.

2. Ҳар бир футболчи учун шахсий варақаси юритилиб унда яшаш жойидан маълумотнома, қайднома тўлдирилаётган пайтдаги 2004 йилда тушган 4х6 ўлчамли фотосурати, эски расми ўтмайди. Шунингдек, унда футболчининг туғилган куни, ойи ва йили кўрсатилган бўлиши, ҳамда оила аъзоларининг исм-шарифи ёзилиши лозим, ўрта мактабдан маълумотнома, футболчининг синфи, иштирокчининг ота – онаси исми, оилада нечта бола борлиги, туғилган йили, ҳар бирининг сурати бўлган иштирок варақаси ва қўшимча варақача, ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри спорт қўмитаси, маҳалла оқсоқоли, тиббиёт ходими ва мактаб маъмурияти, маҳалла профилактика инспектори томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

3. Жамоанинг спорт либосида буюртманома варағида қайд этилган ўйинчиларнинг тушган 20х30 ўлчамли фотосурати берилади. Жамоаларда 1-18 рақамли икки нусхадаги футболкалари бўлиши лозим. Бир ўйинда 7 ўйинчини алмаштиришга рухсат берилади.

— Ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари I,II,III босқичларида мусобақа, бошланишидан 2 кун олдин ўтказилиши лозим. IV-босқичда эса мусобақага келадиган кунида мандат комиссияси билан ўтказилади. Финал ўйинлари буюртма варақасига гуруҳ ўйинларида иштирок этганларнингтина фамилияси ва исми киритилади, Финалга қўшимча буюртмалар қилишга рухсат берилмайди.

13. МУКОФОТЛАШ ВА ИМТИЁЗЛАР

"Футболимиз келажаги" Кубогининг Республика ғолиби Ташкилий қўмитанинг кўчма кубоги билан тақдирланади. 2-3-4-ўрин соҳиблари ҳам тегишли Фахрий ёрлиқ ва совринлар билан мукофотланадилар.

"Футболимиз келажаги" Кубогининг Республика ғолиблари тегишли Фахрий ёрлиқ ва совғалар билан мукофотланадилар.

Конунни биласизми?

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚОНУН ВА СУД ОЛДИДА ТЕНГЛИГИ

Одил судловнинг фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилиши жиноят иши кўрилиши жараёни тамойилларидан бири бўлиб, Конституциямизнинг 18-моддасига ҳамда жиноят процессуал кодексининг 16-моддасига асосланади, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 7-моддасига биноан, фуқаролар қонун олдида тенг ва қонун билан тенг ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Барча фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги принципи жамоат ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида амал қилади. Унинг моҳияти шундан иборатки, судда иштирок этаётган ҳар қандай шахснинг мансаб мавқеи, жинси, ирқи ва миллати, маълумоти, тили, динга муносабати, яшаш манзили, эътиқодлари ҳамда жамоат ташкилотларига мансублиги, бошқа ҳолатлар бирор-бир имтиёзлар берилиши ёки унинг камситилиши учун асос бўла олмайди ва суд процессининг боришига ҳамда натижасига таъсир этмайди.

Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги бир-бири билан узвий боғлиқ қоидалардир. Лекин бу ҳолат уларнинг мустақил мазмунини инкор этмайди.

Фуқароларнинг суд олдида тенглиги шуни англатадики, судланувчи ва жабрланувчининг ирқи, миллати ва диний эътиқоди, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан қатъий назар судлар томонидан уларга нисбатан жиноий ишларни кўриб чиқилиши айнан бир хил процессуал тартибда амалга оширилади. Шунингдек, бу фаолият тартиби ва принциплари юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларга боғлиқ бўлган ирқий, табақавий ва махсус судлар давлатда мавжуд эмаслигини билдиради. Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги барчанинг жиноят қонунларига бўйсунишини англатади ҳамда уларга нисбатан айнан бир қонун татбиқ этилади.

Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, ҳамманинг қонун олдида тенглиги принципининг умумий талаблари доирасидан ташқарига чиқиш ҳолатлари ҳам бўлади. Бунга мисол қилиб айтадиган бўлсак, судъяларни жиноий жавобгарликка тортишнинг («Судлар тўғрисида»ги Қонун, 70-модда) алоҳида тартиби. Лекин бундай дахлсизлик кафолатлари бўлмаганида, судъялар ўз вазифаларини лозим даражада амалга ошира олмаган бўлардилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, суд муҳокамасининг предмети бўлган ҳар бир шахс манфаатларининг ҳимоя қилиниши учун етарли процессуал ҳуқуқлар ва кафолатлар мажмуига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. Акс ҳолда, бу нарса фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципидан четга чиқиш эмас, балки уни бузиш ҳисобланади.

Самандар РАЗЗОҚОВ,
Тошкент Давлат Юридик институти талабаси.

Фикр

Вақтлар ўтиб, шаҳарлар маориф, ўқув, ишлаб-чиқариш марказларига айланиб, чегаралари кенгайиб, янги маҳаллалар пайдо бўлди. Албатта, уларга турли-туман номлар берилди. Катта кўчалардан ташқари маҳаллалар ҳудудида тор, боши берк кўчалар бунёд бўлди. Уларнинг ҳар бири ҳам ўз номига эга. Кўпчилик маҳаллаларга кираверишда ҳашаматли арк кўринишидаги қурилмалар қўйилган.

МАҲАЛЛА ОСТОНАСИДАГИ ЛАВҲА

Лекин уларда маҳалла номидан бўлак маълумот йўқ. Яқингача атоқли драматург ва адибларимиздан бири — Хуршид домла номи билан аталувчи маҳалламизда ҳам шундай эди. Яқинда эса маҳалладаги Тўқимачи ва Зиё Саид кўчалари кесишган жойда, бир пайтлар ўрнатилган темир қурилмани маҳалламиз фуқаролари саъй-ҳаракати билан таъмирлаб, замонавий, об-ҳавога чидамли, кўркам, бадиий-лойиҳа паннога айлантирдик. Паннонинг тепа қисмида республикамиз рамзлари - герб ва байроғимиз, маҳалланинг номи акс эттирилган. Ўнг томонда Хуршид домланинг сурати, ҳаёт ва ижоди ҳақида қисқача маълумот берилган. Паннонинг ўзига хос жиҳати шуки, унда маҳалламиз кўчалари ва хонадонларининг жойлашув тартиби аниқ акс этган. Энг муҳими, маҳалламиз ёшлари бу ердан ҳар ўтганларида ўз маҳаллалари кимнинг номи билан аталиши, у инсоннинг ҳаёти ҳақида маълумотга эга бўладилар. Маҳалламиз остонасида ўрнатилган панно нафақат бизнинг маҳалладошларимизда, балки қўшни маҳаллалар аҳолисида ҳам ҳавас уйғотмоқда. Улар ҳам ўз маҳаллаларида шунга ўхшаш бадиий-лойиҳали паннони ўрнатиш иштиёқида юришибди.

Ўйлаймизки, бундай паннолар нафақат маҳаллаларимиз кўркини очади, балки юртдошларимизда ватанпарварлик ва масъулият ҳиссини ошириб, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга ёрдам беради.

К.ДЎСМУҲАМЕДОВ,
Тошкент шаҳри А.Икромов тумани Хуршид номли маҳалла оқсоқоли.

Бир оғиз сўз...

ВИЖДОННИНГ НАРХИ АРЗОНМИ?

Бу ҳақда кўп ўйладим. Айтишга арзийдими бу гап ёки майда-чуйда гапми деб... Охири ёзишга қарор қилдим. Муҳарририятга кекса бир отахон икки қути чой кўтариб кириб қолди. Аввалига нима гаплигини тушунмадим. У тушунтира кетди:

— Бозордан икки қути чой олдим. Уйга бориб, биттасини очдик. Не кўз билан кўрайликки, қутидаги чойнинг ярми очилган, полиэтилин халта дазмол билан ёпиштирилиб, сиртига клей сурилган экан. Иккинчисини очсак, у ҳам шунақа. Бозорга бориб, сотган одамга учрашсам, аввалига тан олмади, қолаверса, биз ҳам бошқа бировдан оламиз деб, айбни бировга тўнкаб қўйди. Қани айтингчи, болам, бу ноинсофлар учун виждон, иймоннинг нархи шунчалик арзонми?...

Жуда ўйланиб қолдим ва шунга ўхшашроқ бир воқеа эсимга тушди. Ҳозир нима кўп, уйда булка нон тайёрлаб сотувчилар кўп. Майли, тирикчиликда, бунинг айби йўқ. Йўл-йўлакай иккитасини олдим. Уйга боргач, дастурхонга ушатсам, ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, ҳар иккаласининг ўртаси ғорга ўхшаб бўм-бўш.

Ҳайрон қолдим, ахир кимни нима билан алдаш керакдирки, фақат нон билан эмас-да. Наҳотки, бу иш билан шуғулланганлар 5-6 сўм пул учун ўз иймонига тупурган бўлса... Хуллас, мана шу икки воқеа виждон ҳақида, иймон тўғрисида фикр юритишга ундади.

"Элдан сўра, эллик оғиз гапи бор", деган тушунча бор.

Одамлар ғирромликни кўрганда "Виждон борми, иймонсиз", дея ғазаблана-дилар. Хўш, виждон нима?

Виждон — бу ҳар бир инсоннинг одамлар олдида, оила, жамоат, жамият ва ватан олдида маънавий маъсулиятни ҳис этишидир.

Виждон туғма хислат ҳам эмас. Чунки виждонсиз одамнинг вояга етиб, ўқимишли ёки катта одам бўлганидан кейин ҳам виждонли бўлиб қолганини кўрганимиз йўқ. Демак, бу — кўнглимизга Аллоҳ солган ноёб мулк. Қалбида шу мулки йўқлар юқоридаги ишларни қилишдан ҳеч чўчимайдилар, жирканмайдилар, Аллоҳдан қўрқмайдилар.

Юртимиз ўзига ўзи эгалик қилиб, яхши ҳаётга қадам босаётган бир даврда, ҳаммаёқ мусулмонобод бўлаётган кунларда озмикўпми виждонсизлар ишидан азият чекишга мажбурмиз.

Минг қатла шукурки, бундайлар бармоқ билан санарли.

Виждон йўлида ўзини қурбон қилган одамлар борлигига тарих гувоҳ. Озодлик учун виждонидан кечмаган одамлар ҳақида қанчадан-қанча воқеаларни ўқияпмиз. Балки булар олдида юқоридаги каби воқеалар майда... Йўқ, виждонга оид ишларда катта-кичик қолип бўлмайди.

Виждонсиз одам эътиқодсиз одам ҳисобланади. Эътиқодсиз одамнинг бутун дунёси бойлик билан ўралган. Бошқани билмадим-у, мен шундай деб ўйлайман!

Ҳаётда инсон боласи билиб-билмай виждонга хилоф иш қилиб қўйиши мумкин. Лекин ундан сабоқ чиқариш ҳаммага ҳам насиб қилмас экан. Мана шундай инсонлар учун виждоннинг нархи жуда арзон!

Сиз нима дейсиз?

Ҳамид НОРҚУЛОВ



Хотира

« M.R»

ЯХШИЛАРНИ УНУТИБ БЎЛМАЙДИ

...Бир энлик бўлса ҳам, Акбар дўстим ҳақидаги хотираларни ёзиш менга осон кечмади. Ҳар гал у ҳақда ўйласам, беихтиёр кўзимга ёш келади.

Чапаев деб номланган бошланғич синфлар мактаби Тузбозор маҳалласида жойлашган эди. Ҳар куни мактаб томон бир чақирим йўл босардик. Тупроқ ширам, қишда юрганда елимни босгандек пойафзалимиз лойга ёпишиб қоларди. Бундан Акбар афсус чекарди.

— Ҳали ёруғ кунлар олдинда. Насиб этса, мен йўл қурувчи бўламан, йўлни равон қиламан, асфальтлайман. Мана, кўрасизлар! — дерди қатъий оҳангда.

Кўп ҳолларда бирга дарс тайёрлаш учун Акбарнинг уйларига борардик. Онаси Маъзияра хола хушфеъл аёл эди. "Боламнинг жўралари келибди", деб илиқ қарши оларди бизни. Дарров олдимизга дастурхон ёзарди. Чўп сандиғида яшириб қўйган қанд-курсларидан улашарди. Отаси Нормат Тоғаев доимо бизни неча баҳо олаётганимиз, ўқишларимиз билан қизиқарди ва илм олиш лозимлигини уқтиргани уқтирган эди. Нормат отанинг панд-насиҳатлари бизга далда бўларди. Чироқ ёруғида алламаҳалгача дарс тайёрлардик, китоб ўқирдик. Акбар сўзининг устидан чиқди. Болаликда қалбида куртак ёзган нияти йўлдош бўлди. Тошкентдаги автомобил йўллари қуриш ва ундан фойдаланиш муҳандислари тайёрлаш институтини имтиёзли диплом билан битирди. Меҳнат фаолиятини Бойсундаги йўл қурилиш бошқармасида усталикдан бошлади. Орадан кўп ўтмай, бош муҳандис этиб тайинланди. Сўнг, жамоани бошқарди. Термиз, Самариқанд вилояти ҳудудларида рўй берган қўпорувчилик ҳаракатларига нисбатан ҳам ўз фикрига эга. Бу ҳақда у куйиб-пишиб гапиради:

— Қўпорувчилик ҳаракатлари амалга оширилган жойларда, аввламбор, маҳалла мутасаддилари айбдор. Чунки улар эътиборсиз бўлишган. Эътиборсизлик, лоқайдлик эса дунёдаги жамики фалокатларнинг бошидир. Мамлакатимиздаги ҳар бир маҳалла аҳли ҳушёр бўлса, аҳилиноқ яшаса, четдан келган ҳеч бир ғаламис юртимиз тинчлигига раҳна сололмайди.

Азимжон ҚОДИРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Самарқанд вилояти

риосиё туманлари йўлсозларига раҳбарлик қилди. Вилоят йўл қурилиши бошқармасида бош муҳандис, кейинчалик, бошқарма бошлиғи вазифасида узоқ йил ишлади.

У жуда дилкаш инсон эди. Оғир сўз айтиб, бировнинг дилини ранжитганини ҳеч ким эслай олмайди. У кишилар мушкулини осон қилишга интиларди, имкониятлар қидирарди. Шу боисдан элнинг, юртнинг назари тушган эди унга. Вилоят, туманлар йўл қурилиш идораси раҳбарлари, муҳандислари Акбар Норматовни ўзларининг устози деб билишарди.

Ана шундай содиқ дўст, меҳрибон ўртоқ, жонкуяр устоз, ишбилармон, доно раҳбар, дилкаш суҳбатдош бугун орамизда йўқ. Бир неча йил аввал фалокат юз бериб, мудҳиш ўлим Акбар Норматовни орамиздан олиб кетди.

Акбарнинг аёли Хосиятой унга бўлган меҳр-муҳаббатини тўрт нафар фарзандларига берди. Қизлари — Дурдона, Дилдора, Лутфия, ўғли Азизбеклар одоблилиги, меҳнатсеварлиги билан падари бузрукворларининг руҳини шод этмоқдалар. Азизбек отаси изидан борди, унинг касбини эгаллади. Вилоятдаги ўз соҳасининг етук муҳандис-иқтисодчиларидан. Ҳозир Термиз тумани автомобил йўллари бошқармаси бошлиғи. Азизбек отаси қуриб улгуролмаган янги йўлларни қураяпти.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

ЎЗИ ЎХЛАЙДИ, БИРОҚ СЕЗГИСИ...

Швейцариянинг Цюрих шаҳридаги ҳайвонот боғининг директори, профессор Хедигер жониворлар ўйқусини узоқ йиллар мобайнида кузатиб, анчагина қизиқарли маълумотлар тўплаган.

Масалан, маймун ва кўршапалакларнинг айрим турлари фақат кўзларинигина эмас, балки қулоқларини ҳам беркитиб ухлар экан. Ончамунчадан қўрқмайдиган ва душмани бўлмайдиган ҳайвонлар бемалол узоқ ва қаттиқ ухлашаверади. Бу жиҳатдан Шри-Ланка, Жанубий Ҳиндистонда яшовчи лаби дўрдоқ айиқнинг олдига тушадигани йўқ.

Профессорнинг айтишича, ҳайвонларда ҳатто уйқусида ҳам хавф билан хавфсизликни ажрата оладиган махсус сезгилар бор экан. Масалан, ухлаб ётган фил бошига унинг шериги йўғон, оғир оёғини қўйса ҳам пинагини бузмай ухлайверади, лекин ўзига хавфли бўлган шитирлашни эшитса, дарҳол уйғониб кетади.

РАНГИ ЎЗГАРУВЧАН ҚУШ

Ғарбий Африкада шундай бир қуш яшайди, ташқи кўринишдан ЁВВойи каптарларга ўхшайди.

Бироқ патларининг ранги ҳар хил — товус каби товланади: зангор, кўк, сариқ, тўқ қизил рангда. Аммо бу қушнинг яна бир хусусияти борки, у ёмғир остида қолса, ранглари «ювилиб», бўзрайиб қолади. Қуёш чарақлаб чиққач эса яна аввалгидек ял-ял товланади.

МУШУКДАН ЧИРОҚ ЁҚСА БЎЛАДИМИ?

Маводо, мушукни силасангиз чирсиллаган товуш чиқиши, агар бу қоронғулиқда бўлса, электр учқунлари тарқалиши яхши маълум.

Хўш, тўрт оёқли ҳайвон «ишлаб чиқарган» токнинг қуввати қандай? Ғарбий овруполик физиклар гуруҳи бу саволга жавоб қайтармоқчи бўлишди. Элликта мушук, аниқ асбоблар, серияли тажрибалар орқали олимлар бу жумбоқни ечдилар ва бир ваттли митти лампочка ёниши учун бир йўла ўн миллион мушукни силаш керак экан, деган хулосага келдилар.

СУВ ВОДОРОД ВА КИСЛОРОД БИРИКМАСИГИНА ЭМАС

У — тириклигимиз манбаи. Афсуски, уни ўзимиз қадрламаяпмиз!

Сув тўғрисида жуда кўп гапирилган. Кўплаб тадқиқотлар, изланишлар амалга оширилган. Бироқ шундай бўлса-да, сув ҳозиргача мукаммал ўрганилмаган табиат бойликлари сирасига киради. Физик ва кимёгар олимларнинг фикрича, сув энг мураккаб модда ҳисобланади. Сувнинг кимёвий таркиби содда ва бир хил бўлиши мумкин, лекин унинг организмга таъсири турличадир. У оддийгина қарашда водород ва кислород бирикмасидан иборат модда, бироқ аслида сув — ҳаёт, тириклик асоси.

Сув умумий эритувчи ҳисобланганлиги сабабли, у табиатан кимёвий тоза ҳолда учрамайди. У таркибида эриган моддаларга қараб чучук, шўр ва намакоб гуруҳларга бўлинади. Улар орасида чучук сув асосий ўринда туради. Бироқ ачинарлиси, ер юзининг деярли 60 фоиз ҳудудида ичимлик суви деярли йўқ ёки танқис. Шу сабабли 500 млн. киши ичимлик суви етишмаслиги ёки унинг таркибан яроқсизлигидан дардга чалинади.

Ҳозирда инсониятнинг сувга эҳтиёжи кундан кунга ортиб бормоқда. БМТ маълумотига кўра ер юзидаги сувга бўлган кундалик эҳтиёжи қондирилмаётган аҳоли сони 2050 йилга келиб, 4,5 млрд.га етади.

Ҳозирда фойдаланиш мумкин бўлган чучук сувнинг 54 фоизи истеъмол қилинмоқда. Ваҳоланки, унинг асосий қисми қишлоқ хўжалигига сарфланмоқда. Мутахассислар фикрича, 2025 йилга келиб аҳоли сонининг ўсиши ҳисобига сув истеъмоли бугунги кунга нисбатан 75 фоизга ўсади. Ичимлик суви танқислиги кундан-кунга ўсаётган бир пайтда ривожланаётган мамлакатларда 95 фоиз оқава сув ва 70 фоиз саноат чиқиндилари тозаланмасдан сув ҳавзаларига оқизилаётгани жуда ачинарли.



Организм тириклигининг асосий шарти, унда сувнинг доимий ва аниқ миқдорда бўлишидадир. Истеъмол сувининг миқдори ва тузли таркиби бузилиши инсоннинг хазм қилиш жараёнини ва қон айланиш тизимини бузади.

Инсоннинг кундалик чучук сув истеъмоли 2,5 литрни ташкил этади. Сувни кўп истеъмол қилиш қон-томир системасини, тер ажралишини бузади, организм туз камайиши натижасида ҳолсизланади. Сувнинг энг асосий таркиби минераллардир. Агар ичимлик сувига инфекцион касалликларни қўзғатувчи моддалар тушса, унда сув уларни тарқатувчи асосий омил ҳисобланади. Ичак инфекцион қўзғатувчилари сувда узоқ давр ҳаёт кечира олади.

Хўш, биз сув ҳақида нима билар эканмиз? Сув бор йўғи иккита водород атоми ва биргина кислород атомидан иборат кимёвий бирикма холосми?.. Йўқ, албатта. Сув — ҳар биримиз учун ҳаёт манбаидир. Бугун мана шу манба сизу бизнинг муҳофазамизга, қадрлашимизга муҳтож. Унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, тежаб-тергаш келажак авлодлар тақдири учун бефарқ эмаслигимизни билдиради.

Ғофур УМАРОВ,
Бобур ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Тошкент молия институти талабалари.

Оқсоқол фикри

МАҲАЛЛА АҲЛИ ХУШЁР БЎЛСА...

Нарпай туманидаги Қозоқли маҳалласида уч мингга яқин фуқаро истиқомат қилади. Айни кунда бу маҳаллага Эшдавлат Ҳакимов оқсоқоллик қилмоқда.

— Сидқидилдан меҳнат қилсангиз, эл-улус дарди билан яшасангиз, ёшингиз ўтганини ҳам сезмас экансиз, — дейди у. — Маҳалладошларимиз аҳил, оилавий можаролар деярли бўлмайди. Тез-тез маҳалла аҳли билан очиқ мулоқотлар ўтказиб турамиз. Кечаю кундуз ишловчи навбатчи гуруҳлар ташкил қилингач, турли жиноятчиликларга чек қўйилди.

Маҳаллада спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор беряпмиз. Тадбиркорлар, хўжалигимиз ҳудудида жойлашган корхоналар бу ишга ҳомийлик қилмоқдалар. Меҳр-мурувватли маҳалладошларимиз кўмагида маҳалла стадиони ҳамда спорт майдончалари қуряпмиз. Байрамларда, тўй-ҳашамларда турли мусобақалар ўтказиб турамиз. Шунингдек, маҳалламизда футбол, волейбол, кураш тўгараклари мавжуд.

Эшдавлат ака билан суҳбатимиз шу тарзда давом этади. Унинг айниқса, ёшлар тарбиясига қаттиқ жон куйдириши, бу борада барча имкониятларни ишга солишга тайёрлигидан қувонамиз. У халқимизнинг бугунги ҳаётига бефарқ эмас, ҳар бир воқеа-ҳодисани кузатиб, ўз фаолияти учун зарур хулосаларни чиқаради. Хусусан, яқинда юртимизнинг айрим

Суратда: Эшдавлат Ҳалимов (чапда)

Оила...

ОТА ВА ЎҒИЛ...

Уларни шундай деб аташга тил ҳам бормайди

У мактабдан соат иккиларга яқин қайтди. Уйга кирса отаси темир кароватида донг қотиб ухлаб ётибди. Хонтахта устида ярми ичилган ароқ, очилган "Килки" консерваси. У енгил хуррак отаётган дадасининг қизарган юзларига тикилди. "Мана шу одам — мени дунёга келтирган отам. Лекин эсимни танибманки, бу уйда шу одам туфайли ҳаловат, нафақат ҳаловат, ҳаёт йўқ."

Абдусаттор уйга қоронғи тушганда кириб келди.

— Иброҳим! — У остонага қадам қўяр-қўймас бақирди. — Қаердасан!

— Шу ердаман! — Чорвоқ томонда молга ем бераётган ўғлининг овози эшитилди. — Ҳозир...

Орадан бир оз ўтгач, Иброҳим отасининг рўпарасига келди.

— Нима дейсиз?

— Менга қара, — Абдусаттор қизарган кўзларини ўғлига қадади. — Ҳозироқ бориб, онанг билан синглингни обке, тушундингми?

Иброҳимнинг юраги сиқилди. "Яна кайфи бор. Ҳар куни шу аҳвол. Онамни ялиниб-ёлвориб олиб келганим билан яна тўполон, жанжал бошланади". У шуларни хаёлидан ўтказар экан:

— Дада, борганим билан фойдаси йўқ, барибир келишмайди, — деди.

— Ҳали шунақами? — Абдусаттор ғазабдан тишларини ғичирлатди. — Бор, бўлмаса магазиндан иккита "стаканчик"-да ароқ обке.

Гап қайтарса нима бўлишини яхши билган Иброҳим индамай кўчага чиқиб кетди.

... — Менга қара, — ўғли олиб келган ароқни отиб олган ота энди ғазаб отига минди. — Мен ҳозир шаҳарга, бувингникига бориб, онангни ҳам, синглингни ҳам, ҳаммасини ўлдириб келаман, тушундингми?

У шундай дея пичоқни олиб, ғулдираганича ҳовлидан чиқиб кетди.

Иброҳим бир муддат ёлғиз ўтиргач, юрагига ғулғула тушди. "Ҳақиқатан ҳам дадам бориб, уларни бир нарса қилиб қўйса-я? Маст бўлиб олганидан кейин кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Олдинроқ бориб, огоҳлантириб қўйишим керак".

У бошқа, яқинроқ йўлдан катта асфальтга чиқиб, машинага ўтирди-да, тўғри бувисиникига борди. Ўғлининг ташвишли қиёфада кириб келганини кўрган онаси Замирахон:

— Нима бўлди, тинчликми? — деб сўради хавотир билан. — Мунча бемаҳалда?

— Дадам шу ерга келмоқчи эди. Анча кайфи бор.

— Бу одамдан ўлиб кейин қутуламан, шекилли, — онаизор кўзига ёш олди. — Пешонам бунча шўр бўлмаса. Қорнинг ҳам очдир, юр, уйга кир.

Ҳаммалари "тиқ" этса эшикка қараб, юракларини ҳовучлаб ўтиришди. Хайрият, Абдусаттордан дарак бўлмади. Орадан икки соатча вақт ўтгач, Иброҳимжон қайтиб кетмоқчи бўлди. Лекин она қўймади.

— Совуқнинг кунида, бемаҳалда нима қиласан уйга бориб. Хавотир олма, даданг келмайди энди. Йўлда битта-яримта улфати учраб қолган бўлса, яна ичиб қолиб кетгандир.

Ўша куни бувисиникида қолган Иброҳим уйга эрталаб соат тўққизларда борди.

— Қаерда дайдиб юрибсан? — Бошоғриғи ошиб ётган Абдусаттор ўдағайлади.

— Бувимникида эдим.

Ота бир муддат пешонасини тиришириб турди-да, 500 сўм пул билан бўш шишани ўғлининг қўлига тутқазди.

— Мана буларни олда, Муҳаммаджон амакингнинг уйидан спирт олиб кел, бўл тез.

Таби хуфтон бўлган Иброҳим бўйнидан бойлагандек яна кўчага йўл олди.

— Мана бу бошқа гап. — Абдусаттор шишадаги 200 граммли спиртга қараб кўзлари ўйнаб кетди. — Бор, устига сув қуйиб ке.

Ўғил отасининг амрини индамай бажарди.

Энди мана бу 600 сўмни олда, магазиндан консерва олиб кел.

Иброҳим дўкондан "Килки" келтириб бергач, юраги алам-изтиробга тўлганча мактабга йўл олди. "Бу кетишда охири нима бўларкин? Мана, бугун 30 декабрь, мактабда байрам. Шу аҳволда одамнинг юрагига хурсандчилик сиғадими? Майли, ўртоқларим билан озгина бўлсаям ёзиламан".

У мактабдан соат иккиларга яқин қайтди. Уйга кирса, отаси темир кароватида донг қотиб ухлаб ётибди. Хонтахта устида ярми ичилган ароқ, очилган "Килки" консерваси. У енгил хуррак отаётган дадасининг қизарган юзларига тикилди. "Мана шу одам — мени дунёга келтирган отам. Лекин эсимни танибманки, бу уйда шу одам туфайли ҳаловат, нафақат ҳаловат, ҳаёт йўқ. Ҳар куни уруш, жанжал. Бечора онам ҳам адойи тамом бўляпти. Хотиржамлик, осойишта ҳаёт ҳам бўлганми ўзи бу уйда? Ҳа, яқинда онам "Даданг билан беш-олти йил яхши яшаганмиз", деганди. Ўшанда дадаси қушхонада қассоб бўлиб ишларкан.

Бу ўн йил наридаги гаплар. Иброҳим ўша яхши кунларни эслолмайди. Ақлини таниганидан буён эса кўргани хўрлик, эшитгани сўкиш, ҳақорат. Тўғри, уч-тўрт кун ичмай қўйган пайтлари туппа-тузук одамга ўхшаб юради. Лекин оғзига тегдими, тамом, таниб бўлмай қолади.

Дадаси кейинги беш-олти йил ичида, айниқса, ҳаддидан ошиб кетди. Ичди дегунча онасини уради. Ўртага тушган Иброҳим ҳам калтак ейди. Отаси кайфи тароқ бўлиб келган кунларда улар кўпинча қўшниларникида тонг орттиришади. Бир куни ... У кунни эсласа, Иброҳимнинг юрак-бағри эзилиб кетади. Бунга 3-4 йил бўлди. Мактабдан келса, уйларининг олдида қўни-қўшнилар тўпланиб туришибди, ҳайрон бўлди. Билса, онаси ўзини осибди. Хайрият, кимдир келиб вақтида арқонни узиб ташлабди. Сабаби, бир кун олдин дадаси роса урган эди. Ўша воқеадан кейин у отасини бутунлай ёмон кўриб қолди. Яна бир куни қаттиқ маст бўлиб келиб, ўз онасини ҳақорат қила бошлади. Бу ҳам етмагандек, мушт кўтариб онаизорининг бурнини жароҳатлади.

Иброҳимжон отасига термулиб шуларни эслар экан, негадир кўзларига ёш келди. "Мана, эртага 31 декабрь. Янги йил кечаси. Ҳамма оила аъзолари билан бирга ўтириб, хурсандчилик қилишади, яхши тилаклар билдиришади. Бизчи? Онам билан синглим бувимларникида. Отамнинг аҳволи бу. Агар уйимизда хотиржамлик, тотувлик бўлганида, яхши ўқирдим. Балки битта-яримта ўқишга кирардим. Мана, ёшим ҳам 17 га тўляпти, бу йил мактабни ҳам битираман. Лекин бу ёғи нима бўлади?"

У бир хўрсиниб олгач, чорбоғ томонга ўтиб, молга сув берди, охурга ем солди. Орадан бирор соат ўтгач, дадаси уйғонди. Хонтахта устида турган ароқдан пиёлага қуйиб ичгач, Иброҳимни чақирди.

— Менга қара, бориб айтдингми, онанг нимага келмади? Билиб қўй, ичакчавоғини ағдариб қўяман. Агар гапимни икки қиладиган бўлсанг, сениям...

Ўша куни кеч соат бешларда шишадаги қолган ароқ ҳам тугади. Иброҳим дадасининг буйруғи билан магазиндан насияга яна "стаканчик" олиб келишга мажбур бўлди. Уни ҳам ичиб олган Абдусаттор бир оздан кейин курткасини кийди-да, бўш шишани кўтариб "ҳозир ароқ олиб келаман", деб чиқиб кетди. Отасининг феълини яхши билган ўғил унинг қассоблик пичоғини, болтасини яшириб қўйди. Орадан бир оз фурсат ўтгач, Абдусаттор кайфи тароқ ҳолда уйга кириб келди.

— Сен кимсан? — деди у кўзларини ўғлига ола-кула қилиб.

— Бу мен, дада, ўғлингизман, — Иброҳимжон отасининг важоҳатидан саросимага тушиб қолди.

— Ўлдираман сени, — У ёнидаги пичоқни чиқариб, гандираклаганча Иброҳимга ташланди. Шунда ўғли отасининг пичоқ тутган қўлини ушлаб қайирди. Ота мувозанатини йўқотиб ерга, бетон устига юз тубан йиқилди.

— Сен мени йиқитдингми? Барибир ўлдираман? — У қўлини тираб ўрнидан турмоқчи бўлди. Шунда эс-хушини йўқотган Иброҳим тандир олдида турган белкуракнинг сопини олди-да, отасининг бошига беихтиёр икки марта солди. Абдусаттор бир нималар, деб ғулдиради-да, сўнгра тилдан қолди. Қўлидаги сопни бир четга улоқтириб уйга кириб кетган ўғил бир муддат бошини чангаллаб карахт турди-да, бирдан ҳушёр тортди. Шаҳдам ўрнидан туриб, дадасининг тепасига келди. Сўнгра энгашиб унинг бошини ушлади. "Қон!".

— Дада! — деди овози қалтираб. Лекин отадан садо чиқмади. "Ўлдириб қўйган бўлсам-а!". У Абдусатторни чалқанча ётқизди. Шунда айвондаги чироқнинг нури дадасининг юзига тушди. Отасининг кўзлари ярим очиқ, лаблари худди бир нима демоқчидек бир оз қимтилган, қимир этмади. "Ўлдириб қўйибман!". Хаёлига келган бу даҳшатли фикрдан ўзи ҳам қўрқиб кетди. У бир муддат мурда тепасида карахт бўлиб турди. Сўнгра, жон ҳолатда кўтариб, чорбоғ томонга олиб ўтди. Иброҳим жони халқумига тиқилиб, ҳансираб нафас оларкан, саросимага тушиб қолди...

Ўша куни шаҳарда, онасиникида турган Замирахон тунги соат ўнларда кириб келган ўғлининг рангини кўриб қўрқиб кетди.

— Сенга нима бўлди? Тинчликми?

Иброҳим йиғлаб юборди.

— Ая, — деди у ҳиқиллаб. — Дадамни белкуракнинг сопи билан уриб қўйдим.

Лекин отасини ўлдириб қўйганини айтмади.

— Мастмиди? Қўй, майли, ўзингни бос. — Она ўғлининг бошини силади. — Кир уйга, шу ерда қола қол.

— Йўқ, кетаман. — Иброҳим ўша куни уйига — Ғумайлигача пиёда кетди...

Яқинда Данғара тумани судида 1986 йилда туғилган Иброҳим Бобоназаровнинг жиноий иши кўриб чиқилди. Суд мажлисида ҳозир бўлганлар марҳумга эмас, кўпроқ айбланувчига ачинишди. Суд ҳайъати ишни ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиб, И.Бобоназаровни 6 йилга озодликдан маҳрум этди.

Олти йил узоқ муддат эмас, албатта. Иброҳим жазони ўтаб яна қишлоғига қайтар. Бироқ ўзи истамаган ҳолда отасининг қотилига айланиб қолганлиги унинг юрагида бир умр ўчмас доғ, армон бўлиб қолса керак.

Фаррух АЛИЕВ,
Фарғона вилояти Данғара тумани прокуратураси терговчиси,
Холиқназар ЖУРАБОЕВ,
Қодир ШОДМОНОВ,
Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзолари.

Сабоқ

Халқимиз Полвон пир деб суюб тилга оладиган, авлиё даражасида тавоф этадиган улуғ инсон, елкаси ерга тегмаган курашчи, моҳир ҳунарманд, файласуф шоир Паҳлавон Маҳмуд мақбарасига кираверишда бир неча аёллар қабри бор. Улардан бирига қўйилган қабр тошида кишини ҳайратга соладиган сўзлар зикр этилган. Мунис Хоразмий қаламига мансуб бу битикни Муҳаммад Шариф Бухорий бундан 115 йил муқаддам мармар тошга усталик билан кўчирган. Тошдаги бу битикларни кўз ёшисиз ўқиш мушкул.

САҒАНАДАГИ СЎЗЛАР...

Сағанадаги сўзлар шарҳи қисқача шундай: **"Эй, йўловчи, қадамингни секинлат ва бир дам қабримиз олдида тўхтаб, сукут сақла! Бир вақтлар биз ҳам ёш ва чиройли эдик. Биз фақатгина оталарингизнинг умр йўлдоши эмас, Сизларнинг онангиз ҳам эдик. Ҳозир эса ер билан тенг бўлдик. Одамзод бу дунёда боқий эмас. Яхшилик қилишга, яхши ном қолдиришга улгуринг!"**

Юракдан қилинган нолиш, оналар нидоси ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасида эзгу ишлар қилишга чорлайди кишини. Қабр тошидаги ёзувнинг беқиёс қудрати бу!

Қурбонжон КАРИМОВА,
Гулсара ИБРОҲИМОВА,
Хива шаҳридаги Ичанқалъа музей қўриқхонаси илмий ходимлари.

"TAFAKKUR" гулшанидан

Муртазо ҚАРШИБОЙ

МУРУВВАТ — МАРДЛАР ФАЗИЛАТИ

Дунёдаги ҳар қайси халқ ёки миллатга хос туйғу-тушунчалар йиллар, асрлар давомида шаклланади, замонларнинг оғир сурону тўфонларида гоҳ сайқал топиб, гоҳида аксинча — даҳаллашиб боради.



Ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий, рангли-безакли "TAFAKKUR" журналининг ушбу йилдаги янги — 2-сони муштарийлар қўлига тегди.

Масалан, инсоф ва диёнат, уят ва андиша каби ҳиссиётларнинг маъно-мазмуни ҳам, ҳаётдаги реал таъсир кучи ҳам бундан эллик-юз йил олдинги ҳолатидан тубдан фарқ қилишини бугун ким билмайди дейсиз! Эндиликда инсоф-диёнат ўрнини, кўпинча, бировга зиён етказмасам, қонунни бузмасам бўлдида, кўнглимга сиққанини қилавераман, деган тор тушунчалар, худбинлик ҳислари эгаллаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, биз учун ҳамиша муқаддас бўлиб келган ҳаё ва ибо деган илоҳий туйғулар ўрнини уялма, уялсанг — ҳамма нарсадан қуруқ қоласан, деган бирёқлама, лекин бугунги шафқатсиз ҳаёт фалсафасига ҳийла мос келадиган бир кайфият тобора забт этиб бораётганини сезмаслик ва кўрмаслик ҳам мумкин эмас.

Шу билан бирга, эндиги замонда моддий неъматлар барча муаммоларнинг ечими бўлолмаслиги, қанча вақтдан бери тўкин ва фаровон яшаб келаётган ғарб оламида ўз жонига қасд қилиш, одамлардан безиб, табиат сари ошиқиш, лоқайдликнинг кучайиши сингари ҳолатлар кўпайиб бораётгани кишини беихтиёр ҳушёр торттиради.

Модомики, меҳр ва мурувватнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало, бу бирикма таркибидаги сўзларнинг луғавий маъносини билиб олайлик. "Меҳр" сўзининг бир маъноси қуёш бўлиб, мумтоз шеъриятимиз намуналарида кўп қўлланган.

"Меҳр" сўзининг иккинчи маъноси севги, муҳаббат мазмунини англатади. Шу боис, қадимда ишқ аҳли — тасаввуф вакилларини "меҳр аҳли" деб ҳам атаганлар. Ҳозир биз ишлатаётган меҳр ва мурувват бирикмасидаги "меҳр" сўзи асосан ана шу иккинчи маънони, яъни кимгадир кўнгил боғлаш, самимий муносабатда бўлиш, севги, муҳаббат туйғуларини англатади. Меҳр — инсон қалбидаги қуввват, энергиядир. Ҳақиқий меҳр тошни ҳам эритади, ўликка жон бағишлайди, деганлари бежиз эмас.

Меҳр ва мурувват бирикмаси таркибидаги "мурувват" сўзи эса мардлик, одамгарчилик ва саховат маъноларини билдиради. Аслида, бу маънолар ўзаро жуда яқин ва муштарак. Масалан, инсонда мардлик бўлмаса, одамгарчилик ҳам, саховат ҳам бўлмайди. Фақат мард инсонгина ожиз ва муҳтожларга ёрдам бериши, пешона тери билан топган бойлигини бошқалар билан баҳам кўриши мумкин.

"Мурувват" ва "саховат" сўзларининг маънодошларидан бири — "ҳиммат". Бу сўз, саховатдан ташқари, яна ғайрат қилиш, олижаноблик ва бахтиёрлик маъноларини ҳам билдиради. Ҳимматнинг негизида ҳам мардлик ётади. Бировдан ёрдамини аямайдиган, ўзини қўйиб ўзгани ўйлайдиган, бағрикенг, қўли очиқ, сахий инсонларни халқимиз азал-азалдан "ҳиммати баланд" деб таърифлаб келган. Бировнинг оғирини енгил қилиш, бор бисотини бошқаларнинг бахти йўлида сарфлаш, молини ҳам, жонини ҳам аямаслик қадимдан энг савоб ишлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам назари паст, ҳимматсиз, саховатдан йироқ одамни халқимиз ҳеч қачон суйган эмас. Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳимматсиз кишининг ҳайвондан фарқи йўқ эканини, бундай одам оқил кишилар орасида ҳурмат топмаслигини айтади:

Мол ўлуб, йўқ кишининг ҳиммати,
Маъни аҳли олдида йўқ иззати.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса бир ғазалида **"Давлатга ет, ҳиммат қил"** дея давлатга, бойликка эришишдан мақсад — одамларга ҳиммат қилишдан иборат бўлиши керак, шундагина инсон ўз муродига етади, деган фикрни илгари суради.

Инсон — меҳр билан тирик. Меҳр бўлмаса, муҳаббат бўлмаса, бу ҳаёт, шоир айтганидек, туйнуксиз қасрга ўхшайди. Меҳрсиз дунё — қоронғи. Шунинг учун инсон яқин кишисидан жудо бўлганида кўзига ҳеч нарса кўринмай қолади. Чунки у ўша инсон тимсолида азиз меҳрибонини, ўзини бу ҳаётга боғлаб турган риштани йўқотгандек бўлади. Чунки инсоннинг ўзи Оллоҳнинг меҳридан яралган. Шу боис, халқимиз "Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсин" деб нақл қилади. Бинобарин, ҳар томонлама фаровон, лекин меҳр ва мурувват деган тушунчадан мосуво жамиятда юз йил яшагандан кўра, одамлари ҳамжиҳат ва иноқ, ўзаро меҳрибон жамиятда бир йил мазмунли умр кечирган минг бора афзал!

Тарихда меҳр-мурувватнинг етишмаслиги туфайли қанча-қанча буюк зотлар муродига етолмай, сарсон-саргардонликда умр ўтказгани, халқнинг бошига кулфатлар тушганини яхши биламиз. Хулоса қилиб айтганда, меҳр-мурувват — жамиятда аҳиллик ва иноқлик муҳитини шакллантирадиган, ўзаро ишонч туйғусини мустаҳкамлайдиган эзгу ва қутлуғ анъана.

Азалдан оқибатли, ор-номусли халқимиз бугунги кунда нафақат эркин ва демократик, шу билан бирга, инсоннинг юксак туйғулари қадрланадиган меҳр-мурувватли жамият барпо этмоқда. Бу жараёнда "Меҳр ва мурувват йили" алоҳида бир босқич бўлиб қолиши шубҳасиз.



МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Кўчмас мулк ва уй-жойга тегишли ҳужжатларни тартибга солишга қаратилган саъй-ҳаракатларингиз айниқса самарали бўлади.

СИГИР (22.04-20.05)
Айрим кунларни ҳисобга олмаганда келаси чоршанбагача омад сиздан юз ўгирмайди. Дам олиш кунларида жиддий масалалар билан шуғулланиш бефойда.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Яқин кунларда ўзингизни жуда босиқ тутишингиз, иложи бўлса «Мен кўр ва карман», дея ўзингизга уқтиришингиз лозим. Албатта, бу ҳолат вақтинча.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Янги ишларни бошлашга шошилманг. Эски таклифларни яна бир марта муҳокама қилиб кўринг-чи, балки биронтаси сизни қизиқтириб қолар.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Шу кунларда атрофингиздаги кишиларга ҳар жиҳатдан ён босишга ўзингизда куч ва сабр-тоқат топа олсангиз, бундан фақат сизга фойда.

ПАРИЗОД (23.08-22.09)
Анчадан бери мўлжаллаб юрган юмушларингизни амалга ошириш вақти етди. Фақат ўзингизга хайриҳоҳ бўлган кишиларни жалб эта олсангиз кифоя.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Суғурта, солиқ, мерос ва қарз-ҳавола билан боғлиқ ишларни якунига етказиш фурсати етди. Сиздан талаб қилинадигани — қонунга қатъий равишда риоя этиш.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Оилавий муаммолар, харидлар ва бошқа масалалар юзасидан қарор қабул қилишда оила аъзоларингиз фикрини ҳисобга олмасангиз, хато қиласиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Яқин кунларда ўзингизни ҳаддан ташқари толиқтирувчи қийин юмушларга қўл урмай туринг. Фурсати келса, бу қийин ишлар хамирдан қил суғургандек ҳал бўлади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)
Яқин кунларни турли саргузаштлар, ишқий можаролар оғушида ўтказасиз. Шуни унутмангки, бундай ишларда чегарадан узоқлашиш обрў келтирмайди.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Келаси чоршанбагача чала ишларингизни охирига етказиш, бу юмушлар орасида эса ҳордиқ чиқариш билан банд бўлганингиз маъқул.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Буни қарангки, ўта муҳим масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун қулай фурсат дам олиш кунларига тўғри келади. Бир йўла бир нечта юмушларни битиришга имкон топасиз.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ИИБ томонидан 2003 йилгі якка тартибдаги тадбиркор "Muxsimov Shovkat Nurillaevich"га берилган думолоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ижод оламидан

Зиявуддин МАНСУР

ТИЛЛАРДАГИ ДОСТОН ҚОЛАР...

БОЛАЛАР УЙИДА ЎЙЛАҒАНЛАРИМ

Мунглуғ нигоҳингиз бағримни эзар
Болалар уйининг болакайлари,
Сизда не гуноҳ? — деб хаёлим тўзар,
Болалар уйининг болакайлари.

Отангиз барҳаёт, онангиз тирик,
Не тонг ғамингизга бўлмаса шерик...
Билингки, уларнинг виждони чирик,
Болалар уйининг болакайлари.

Жисмингизга қудрат тўлар вақт келиб,
Дунё измингизда бўлар вақт келиб
Ота-онангиз зор қолар вақт келиб
Болалар уйининг болакайлари.

АМРИ МАЪРУФ

Заминга боқ, осмонга боқ, ҳайрат кўзинг оч
Замин қолар, осмон қолар, бизлар кетармиз.
Даврага боқ, давронга боқ, ибрат кўзинг оч,
Давр қолар, даврон қолар, бизлар кетармиз.

Тириксанки, эркин қушсан — асл бахтинг шул,
Этгил ўзни эзгуликлар фикри-ла машғул,
Бенаф орзу-армонларга бўлма асло қул
Орзу қолар, армон қолар, бизлар кетармиз.

Умр деган неъмат Ҳақнинг бизга инъоми,
Бу неъматнинг тонгги борки, бор унинг шоми,
Ҳақнинг ўзи ҳисоб сўрар Маҳшар айёми
Ҳаёт деган ҳоқон қолар, бизлар кетармиз.

Ўзни еру, қадринг Зиё, осмон этиб кет.
Қатра-қатра эзгуликдан уммон этиб кет
Эл тилида номинг мангу достон этиб кет
Тиллардаги достон қолар, бизлар кетармиз...

ДУО

Ҳаёт ривожига бўлмоқчун далда
Инсон ўз бахтидан кўнгли тоғ бўлсин,
Омин!
Бунинг учун биринчи галда
Юрт тинч,
Она омон,
Бола соғ бўлсин!
Онадан бошланар ҳаёт аслида
Боқийлик бардавом унинг наслида
Ҳаёт турмоғичун гулгун фаслида
Юрт тинч,
Она омон,
Бола соғ бўлсин!
Оиланинг ахди, бахти, эркаси,
Миллатнинг иқболи — гулгун эртаси,
Гарчанд ота эрур ҳар уй "серкаси"
Юрт тинч,
Она омон,
Бола соғ бўлсин!
Дерсиз:
—Хўш ота-чи?
Дерман
Эй, Эгам,
Уни ҳам қилмагин
Соясини кам,
Оталик бахтин бахш
Этмоқ учун ҳам
Юрт тинч,
Она омон,
Бола соғ бўлсин!
Кечир, Тангрим, агар
Бўлса гуноҳим.
Сўнгра қабул айла
Ушбу дил оҳим:
Авлодлар бахтига
Омин!
Илоҳим
Юрт тинч,
Она омон,
Бола соғ бўлсин!

В связи с Ликвидацией ДП-"ИБФ-сервиса" претензии принимаются в течении 2-х месяцев по адресу: ул.У.Носир, 53 "Б.". Тел: 53-79-00.

Утерянное свидетельство о базовом образовании А-789949 выданный 104-школой Сергелийского района г. Ташкента в 1990 году на имя Султановой Иоланте считать недействительным.

Юртдошимиз журъати

Яқинда Тайванда бўлиб ўтган каратэ бўйича 6-Осиё чемпионатида ўзбекистонликлар ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Қашқадарё спортининг ёрқин юлдузи, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» унвони ва 2-Дан қора белбоғ соҳибаси София Каспўлатова ана шу чемпионатда бир йўла 2 та олтин медални қўлга киритиб, рақибларини доғда қолдирди.

БАА МАЛИКАСИНИ МАҒЛУБ ЭТГАН СОФИЯ

Бу рақиблар кейин дўстлашиб олдилар

Мухбиримиз у билан суҳбатда бўлди.

— София, чемпионликнинг йўли осон бўлмаса керак?

— Албатта. Ҳар бир ғалаба ортида қанчадан-қанча тинимсиз машқлар, мусобақа олди тайёргарликлари ётади. Бунинг учун чидамли, иродали, бардошли бўлиши керак одам. Лекин бутун қийинчиликлар ғолиблик шоҳсупасидаги лаҳзаларда унутилади. Бундай дамларда ўзингда қандайдир енгиллик ҳис қиласан киши. Бу, аввало, устозлар юзини ерга қаратмаганингдан, меҳнатларинг самарасиз кетмаганлигидан бўлса керак. Айниқса, шоҳсупага чиққанингда ватанимиз мадҳияси янграркан, юрагинг тўлқинланиб, қалбинг ғурурга тўлади.

— Тайванда ўтказилган чемпионат ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Бу чемпионатда 12 нафар ўзбекистонлик каратэчилар қатнашдик. Осиё мамлакатлари орасида умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни олдик. Мен финал мусобақаларида ўз вазнимда қозоғистонлик каратэчи билан беллашдим, матулоқ вазнда эса вьетнамлик рақибимни мағлуб этдим.

Ҳар бир чемпионат биз учун бир мактаб. Унда қатнашаётган спортчилар тажрибасидан ниманидир ўрганиб қайтамиз. Бу галги чемпионатда мен Бирлашган Араб амирликлари давлати маликаси билан татамида куч синашдим. Тажрибам, маҳоратим қўл келиб, ғолиб бўлдим. Мусобақадан сўнг, биз малика билан дўстлашиб қолдик. У малика бўлса-да, оддийгина, спортга қизиқиши кучли экан. Биз бир-биримизга эсдалик совғалар улашдик. У мени ўз юртига тажриба алмашиш, биргаликда мусобақаларга тайёргарлик кўриш учун таклиф этди.

— Сиз учун энг қийин кечган мусобақа?

— Мусобақаларнинг осони йўқ. Лекин Малайзияда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида илк бора катталар билан татамига тушдим. Рақибларим анча тажрибали, кучли эди. Аммо мен ҳам бўш келмадим. У ерда ҳам натижам ёмон бўлмади, медаллар билан қайтдим.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ суҳбатлашди.

КРОССВОРД

ЭНИГА: 1.Халқона ибора, нақл. 3.Камбағал, бечора. 5.Оҳ-воҳ, додвой. 8.Одат, анъана. 9.Ҳўл мева. 10.Доно. 12.Шикоят. 14.Жанжал, келишмовчилик. 16.Қайтариш шарти билан олинган буюм, пул. 17.Ёпиштиришда қўлланиладиган модда. 22.Қир, баландлик бағри. 23.Тик ўсувчи кўркам дарахт. 25.Дийдор. 26.Умр поёни. 27.Тафаккур ва қалб маҳсули. 29.Имкон. 36.Чанг, ғубор. 37.Амалга ошириладиган ишлар дастури. 39.Диний мартаба. 41.Инсон фикри ва идрокининг асоси. 43.Бошоқли экин. 44.Тинч, тотув. 45.Шеърий вазн. 46.Текис, силлиқ. 47.Важ, баҳона. 48.Сурхондарё вилоятидаги туман.

БЎЙИГА: 1.Бир хиллик, қайтарилиш. 2.Ҳудудий бўлинма. 4.Сарой, арк. 6.Қарилик аломати. 7.Миллий чолғу асбоби. 11.Тўғри ёзиш қоидалари. 12.Катта, бепоён. 13.Гўзал, тароватли. 15.Дастхат. 16.Ширинлик тури. 18.Инсоний туйғу, мурувват. 20.Охир (тугаш маъносида). 21.Темур тиғи етмаган жойни ... билан олди Алишер (А.Орипов). 22.Чориёрлардан бири. 24.Сабаб. 28.Кураш, олишув. 30.Дўст, биродар. 31.Енгил шабада. 32.Аллоҳ таоло. 33.Дарахт япроғи. 34.Қиймат, баҳо (инсонга нисбатан) 35.Оқсуяк, олий табақа. 38. Фасллар келинчаги. 40.Кийимлик, материал. 42.Нодир, бебаҳо. 43.Атмосфера қатлами.



Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Абдунаби МАННОПОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

8447 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-625
1 2 3 4 5
Топширилди—